O'ZBEKISTON RESP. MILLIY INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
1 AVGUST
PAYSHANBA
№ 93 (26.952)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ — ЎЗАРО СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛАР



Токио. 29 июль. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Япония ҳукуматининг таклифига биноан Токиога расмий ташриф билан келган Президент Ислом Каримов бугун Бош вазир Жунъитиро Коидзуми билан учрашди. Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатлар, Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш, Афғонистондаги тикланиш, Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш борасида фикр алмашилди.

Учрашув якунида Ислом Каримов ва Жунъитиро Коидзуми икки мамлакат ўртасида дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги ҳамда ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва Ўзбекистондаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қўшма баёнотларга имзо чекди. Биринчи ҳужжатда томонлар тенглик, ўзаро англашув ва халқаро ҳуқуқнинг умумий қабул қилинган тамойил ва меъёрларига асосланган ҳолда дўстона муносабатларни ва стратегик ҳамкорликни ривожлантириш ниятини билдиради. Ўзбекистон томони Япония юритаётган «Ипак йўли минтақаси дипломатияси» сиёсатини юқори баҳолаган эса, Япония Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги муҳим ҳамкор деб билишини, халқаро террорчиликка қарши курашдаги саъй-ҳаракатларини ғоят қадрлашини ва мамлакатимизнинг минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги қадамларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини таъкидлаган. Ҳужжатда икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим вазифалари сифатида савдо, сармоя, технология ва таълим соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантириш белгилаб берилган. Шунингдек, Афғонистонда барқарор тинчлик ўрнатилишидан Ўзбекистон ҳам, Япония ҳам манфаатдорлиги таъкидланиб, Япония томонидан Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш ташаббуси қўллаб-қувватланиши айтиб ўтилган.

Иккинчи ҳужжатда эса энергетика соҳасидаги ҳамкорликдан ўзаро манфаатдорлик эътироф этилиб, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан чекланиш ва ҳаво алоқаси борасидаги ҳуқуқий асосни мустаҳкамлашга келишиб олингани таъкидланган.

Айни пайтда икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ҳамкорлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг «Мицубиси», «Мицуи», «Марубени», «Нише Иваи» корпорациялари билан ҳамкорлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан «Bank of Tokyo-Mytsubisi» ўртасида имтиёзли кредит, «Ўзбектуризм» Миллий компанияси билан Япония сайёҳлик агентликлари уюшмаси ва бошқа сайёҳлик компаниялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди. Шундай қилиб, Ўзбекистон билан Япония ўртасида имзоланган ҳужжатлар ўн тўрттага қўпайди.

ЎзА мухбирларига маълум қилишларича, Япония Бош вазирининг қароргоҳида давлатлараро ҳужжат имзоланиши жуда ноёб воқеа. Ислом Каримовнинг ташрифи чоғида бундай йўл тутилгани Японияннинг мамлакатимизга нисбатан алоҳида муносабатидан далолатдир.

Президент Ислом Каримов Япония императори Акихито билан учрашди. Бу учрашувда ҳам томонларнинг ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдорлиги таъкидланди. Япония императори сиёсий ишларга аралашмаса-да, мамлакат халқининг фахри ҳисоблангани боис катта нуфуз ва обрўга эга. Бу шахснинг Ўзбекистон раҳбарига ғоят илиқ муносабат билдириши — музокарадаги очиқлик ва самимийлиги, юртимизга хайрихоҳлиги муҳим аҳамият касб этади. Зеро, халқ ўзи эҳтиром этадиган, фахрланадиган кишининг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлайди.

Президент Ислом Каримов ўзи жойлашган «Империал» меҳмонхонасида Япония ташқи ишлар вазири Йорико Кавагучи хоним, молия вазири Масажуро Шиокава, Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) президенти Такао Каваками, Япония Халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) президенти Кёсуки Шинозавани қабул қилди. Учрашувларда Ўзбекистон — Япония муносабатларини ривожлантиришга оид масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ — ВАСЕДА УНИВЕРСИТЕТИ ФАХРИЙ ДОКТОРИ

30 июль. Токио. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Президент Ислом Каримов Японияннинг энг нуфузли олий ўқув юртларидан бири — Васеда университетига ташриф буюрди. Шу муносабат билан мазкур илм даргоҳида бўлиб ўтган учрашувда университет ректори Окушима Такаясу Ислом Каримовнинг давлатни бошқариш, ривожлантириш ва икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасидаги улкан хизматларини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон эришаётган ютуқлар, хусусан, изчиллик билан амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг самаралари нафақат мамлакатимизда, балки халқаро миқёсда ҳам аҳамияти катта эканлигини қайд этди.

Васеда университети Илмий кенгашининг қарорига биноан Ислом Каримовга мазкур олий ўқув юртининг фахрий доктори унвони берилди. Президентга бу ҳақдаги ҳужжат топширилди ва докторлик мантияси кийдирилди.

Йиғилиш сўнггида Ислом Каримов ўзбекистонлик талабалар билан мулоқотда бўлди. Ўзбекистон учун замонавий кадрларнинг аҳамияти, бу борада мамлакатимизга Япония томонидан кўрсатилаётган ёрдам ҳақида сўзлади.

Японияннинг турли олий ўқув юртларида етмишга яқин ўзбекистонлик талаба таълим олмоқда.

Шу куни Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида 348 миллион иен миқдорида грант ажратиш тўғрисидаги битим имзоланди. Бу ҳужжат яна 20 нафар ўзбекистонлик йигит-қизнинг Японияда таҳсил олиши учун имконият яратади.

Президентимизнинг Японияга ташрифи учрашувларга бой кечмоқда. Ислом Каримов «Империал» меҳмонхонасида «Мицуи» компанияси президенти Шинжиро Шимидзуни қабул қилди. Ушбу компания мамлакатимиздаги кўплаб йирик лойиҳаларда фаол иштирок этиб келмоқда. Учрашувда Ўзбекистон билан «Мицуи» ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари, амалга оширилаётган ва келгусида ижро этилиши мўлжалланаётган қўшма лойиҳаларга оид масалалар муҳокама қилинди.

Президент Ислом Каримов Япония Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар билан учрашди. Унда Японияннинг собиқ бош вазири Йосиро Мори, ЛДПнинг сиёсий ишлар бўйича комиссияси раиси, «ЛДП-Ўзбекистон» дўстлик лигаси президенти Таро Асо, Лига бош котиби Нарияки Накаяма давлатимиз раҳбарининг мазкур ташрифи икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтаришига умид билдирди.

«Токио Каикан» меҳмонхонасида Япония ишбилармонлари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов Ўзбекистондаги буюк ўзгаришлар, хорижлик сармоядорлар учун яратилаётган қулай шароитлар ҳақида сўзлади.

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

31 июль. Токио. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Бугун Президент Ислом Каримов Японияннинг иқтисодиёт, савдо ва саноат вазири Т.Хиранумани қабул қилди. Учрашувда икки мамлакат ўртасида товар айрибошлашни ва Ўзбекистонга киритилаётган Япония сармоясини кўпайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатимиз раҳбари Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO) раиси О.Ватанабени қабул қилди. Ушбу ташкилот икки йил аввал Ўзбекистонда ваколатхона очган. Япония билан мамлакатимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларда JETROнинг салмоқли ўрни бор. Учрашувда ана шу ҳамкорликни янада ривожлантириш масаласи мулоқотнинг асосий мавзуси бўлди.

Ислом Каримовнинг яна бир учрашуви «Марубени» корпорацияси президенти Т.Цуджи билан ўтказилди. Бу корпорациянинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги мамлакатимизда амалга оширилган ва оширилаётган йирик лойиҳаларда ўз ифодасини топган. Масалан, «Оқсарой тўқимачи ЛТД», «Чиноз тўқимачи ЛТД» каби тўқимачилик қўшма корхоналарида «Марубени»нинг техника ва технологияси ишга солинган. Яхши маълумки, мазкур корпорациянинг маҳсулоти асосан экспортга кетади, хорижда эса мижозлари кўп. Мамлакатимиз раҳбари билан суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорлик қўлами ва қирраларини кўпайтириш хусусида сўз борди.

Ўзбекистон Президенти машҳур «Сони» корпорациясининг кўргазма марказида мазкур корхонанинг техника ва технология соҳасида эришган сўнгги ютуқлари билан танишди, ишлаб чиқараётган маҳсулотларини кўздан кечирди.

Шу билан Ислом Каримовнинг Японияга ташрифи ниҳоясига етди. Президент Токионинг «Ханеда» аэропортидан Ватанимизга жўнаб кетди.

✧✧✧

Шу куни Президент Ислом Каримов Тошкентга етиб келди.

■ (ЎзА)

Суратларда: *Президент Ислом Каримовнинг Япония Бош вазири Жунъитиро Коидзуми ва Японияда таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар билан учрашуви.*

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

ГАЗ — МАМЛАКАТ НУР ҚАЛЪАСИ, ИСТИҚЛОЛ МАШЪАЛАСИ

«Бизнинг энг улуғ мақсадимиз, энг улуғ ғоямиз, энг улуғ шиоримиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, истиқлолни мустаҳкамлаб — олға юриш!»

Президентимиз Ислом Каримовнинг бу сўзлари замирида мамлакатимиз халқ хўжалиги иқтисодиётининг барча жабҳаларида чинакам мустақилликка эришиш, уни мустаҳкамлаш ва янги-янги кўламлар, марралар сари ҳаракат қилиш жоизлиги уфуриб турибди. Ана шундай жабҳалардан бири, истиқлолимизнинг илк кезлариданоқ тилимизга ва дилимизга тушган мақсадимиз, шиоримиз — бу, республикамиз газ мустақиллигига эришиши ҳам эди.

Зеро, мустабидлик йилларида Ўзбекистон гази аввал Урал, кейин Россия шаҳарлари, сўнгра Ғарбий Европадаги собиқ социалистик мамлакатлар сари узатилган кезларда халқимиз ўз гази, ўз оловига ўзи исинолмай, тандиру ўчоқларида тезак ёққан кунларни эсланг...

Энди-чи? Аниқроғи, ўзбек гази, республика газ саноатининг ривожи кеча қай даражада эди-ю, бугун қай даражада? Энг муҳими, истиқлолнинг ўтган 11 йилида мамлакат газ таъминоти мустақиллигини биз қандай таъминлай олдик?

Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги иқтисодиёти жабҳаларида эришилган тармоқ мустақилликлари ҳақида берилаётган анъанавий саҳифаларимизнинг навбатдаги мавзуси мамлакат газ саноати мустақиллигига бағишланмоқда.

3-БЕТ →

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

САФАР ҚИЛМОҚЧИ ЭДИ, ЛЕКИН...

Янги тайинланган Фаластин ички ишлар вазири Абдулраззоқ ал-Яҳё АҚШга шу ҳафта режалаштирган сафаридан воз кечди. Исроил ахборот манбаларининг хабар беришича, яқинда Абдулраззоқ ал-Яҳё ўзи бошқараётган вазирликдаги етти нафар юқори мартабали амалдорни ишдан бўшатган эди. Бироқ Фаластин маъмурияти раҳбари унинг ушбу қарорини бекор қилди. Кузатувчилар АҚШ сафарининг қолдирилишига шу сабаб бўлган, демоқда.

СУИҚАСД УЮШТИРИШМОҚЧИ ЭДИ

Кобулда Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай ва вазирларга суиқасд уюштирмоқчи бўлган икки шахс қўлга олинди. Афғон ҳукумати ички ишлар вазири генерал Муҳаммад Журъатнинг маълум қилишича, хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан тўхтатилган машинадан катта миқдорда портловчи модда топилган. Автомобилни бошқараётган икки нафар шахс ҳибсга олинди.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Владивостокда терроризмга қарши курашга бағишланган халқаро конференция иш бошлади. Унда иштирок этаётган АҚШлик сиёсатшунос олим Девид Лехенининг фикрича, Осиё-Тинч океани минтақасида терроризмга қарши кураш олиб бориш учун ушбу ташкилотлар ва улар билан боғлиқ ҳар қандай ахборотни ўзида сақловчи ягона электрон база ташкил этиш керак. Чунки дунёдаги мавжуд террорчилик ташкилотларининг кўпчилиги айнан мазкур ҳудудда фаолият олиб бормоқда.

МУЗОКАРА ОЛИБ БОРМОҚЧИ

Исроил мудофаа вазири Бинямин Бин Элиэзер Фаластин ички ишлар вазири Абдулраззоқ ал-Яҳё билан Фаластин ерларини қамалдан аста-секин озод қилиш режасини ишлаб чиқиш тўғрисида музокара олиб бормоқчи. Хабарда музокарани қачон ва қаерда ўтказилиши ҳақида маълум қилинмади.

УЧРАШУВ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Брунейда бўлиб ўтган Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциациясига (АСЕАН) аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг учрашуви ниҳоясига етди. Тадбир якунида қабул қилинган қўшма декларацияда терроризмга қарши курашда ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида урғу берилди.

НАМОЙИШЧИЛАР БИЛАН ТЎҚНАШУВ

Исломобод шаҳрининг жанубида юз берган полиция билан намойишчилар ўртасидаги тўқнашув натижасида беш нафар одам полиция ўқидан нобуд бўлди. «The News» газетаси хабар беришича, одамлар яшаётган ер сотувга қўйилганлиги учун у ерни одамлардан «тозалаш» ҳақида полиция маҳаллий раҳбариятдан буйруқ олган. Бироқ одамлар ўзи яшаётган ердан ҳайдалишига қаршилик кўрсатиб, полицияга тош ва қўлга илинган нарсаларни ота бошлаган. Полиция эса намойишчиларга қарата ўқ узган. Натижада 40 дан ортиқ киши жароҳатланган.

Расмий ташриф билан Бангладешда юрган Покистон Президенти Парвез Мушарраф мазкур воқеа сабабларини аниқлаб, айбдорларни тергов қилишга буйруқ берди, дея хабар беради Reuters ахборот агентлиги.

БУГУНГИ БАЙРАМ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Украина Ҳарбий денгиз кучлари ташкил топганига 10 йил тўлиши муносабати билан бугун Севастополда ўтказилиши мўлжалланган байрам паради, ҳарбий авиация ва бошқа ҳарбий техникалар иштирокидаги кўнгилочар тадбирлар мамлакат Президенти Леонид Кучма буйруғига кўра бекор қилинди.

Президент маъмуриятининг таъкидлашича, байрамни бекор қилиш сабаби 27 июль куни Львовда ўтказилаётган авиашоу пайтида юз берган фожиа билан боғлиқдир. Ўша куни «Су-27» қирувчи самолёти парвоз пайтида томошабинлар устига қулаб тушган. Натижада 83 киши оламдан кўз юмди. Шундан 19 нафари болалар эди. 116 киши турли даражада тан жароҳати олди. Улар ҳозир Львовдаги шифохоналарга ётқизилган.

КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони билан ташкил этилган)

2003-2010 йилларда давлат бошқарувида электрон технологияларни жорий этиш, 2010 йилгача бўлган даврда электрон тижоратни ривожлантириш, 2003-2010 йилларда телекоммуникациялар ва маълумот узатиш миллий тармоғини ривожлантириш дастурларининг ва «Электрон рақамли имзо ҳақида», «Электрон ҳужжат алмашуви ҳақида», «Электрон тижорат ҳақида»ги қонун лойиҳаларининг биринчи таҳрирлари тайёрлангани ва Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг **www.ICTCouncil.gov.uz** манзилида жойлашган сайтида жойлаштирилганини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

ва кенг оммани Мувофиқлаштирувчи Кенгаш ва унинг ишчи гуруҳлари фаолияти билан таништириш ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ишланаётган дастурларнинг оммавий муҳокамасини ташкил этиш мақсадида ҳамма хоҳловчиларни ишланаётган дастурлар ва қонун лойиҳаларининг муҳокамасида қатнашишга ва ахборот-коммуникация технологияларининг юртимиздаги ривожига ўз ҳиссасини қўшишга

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Барча таклиф ва мулоҳазаларингизни **www.ICTCouncil.gov.uz** сайтида жойлашган, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш масалалари, жумладан, ишланаётган дастур ва қонун лойиҳаларининг муҳокамасига бағишланган доимий ишловчи

ЭЛЕКТРОН ФОРУМГА

ҳамда **info@ictcouncil.gov.uz** манзилидаги электрон почта, 139-82-32 рақамли телефон ва 139-82-47 рақамли факс орқали Мувофиқлаштирувчи Кенгаш Котибиятига юборишингиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **қарор қилади:**

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси 2002 йил 29 август Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри, 2002 йил 29 июль.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари тўғрисида.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2002 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида.
3. «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида.
4. «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
5. «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида.
6. «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
7. «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
8. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
9. «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
10. «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси тўғрисида.
11. Айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.
12. Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.

* * *

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ

«СИЛК РОАД» ЮКСАЛИШДА

НАМАНГАНДА ПИЛЛА ЧИҚИНДИСИ — ХАРИДОРГИР ХОМАШЁ

«Силк Роад» — инглизча «Ипак йўли» дегани. Корхона таъсисчилари айнан шу номни танлаганлари бежиз эмас. Зеро, Ўзбекистон — Япония мамлакатлари халқларининг иқтисодий, савдо ва маданий алоқалари Буюк ипак йўли орқали қадимдан маълум. Айниқса, Президентимизнинг 1994 йилдаги бу ўлкага ташрифи ўзаро муносабатларимизга яна ҳам яқинликда фаоллик бахш этди.

Намангандаги «Атлас» ҳиссадорлик жамияти қошида ташкил этилган «Силк Роад» қўшма корхонаси айнан шу яқинлик натижаларидан бири. Ўзбекистон томонидан «Атлас» ҳиссадорлик жамияти, Япония томонидан «Марубени корпорейшн», «Джаидо» ва «Канебо ЛТД» компаниялари таъсислигида 2 миллион АҚШ доллари қийматидаги мазкур қўшма корхона 1998 йил 1 апрелда ишга тушди. У асосан мамлакатимизнинг 9 та ипак ишлаб чиқариш корхоналаридан чиққан чиқитлар ҳисобига ишлайди. Бразилия ва Хитойдан кейин Осиёда ягона ҳисобланган корхона пилла қора пачоғи ва бошқа ҳар хил чиқитлардан ғазна ипак ишлаб чиқаради. Унинг йиллик қуввати 156 тонна.

Компьютерлашган технологияни пухта ўзлаштирган жамоа ҳали 1998 йилдаёқ шу йўл билан 22 тонна ғазна ипак тайёрлашга эришганди. Унинг 14 тоннаси ўша йили хорижга экспорт қилинди. 1999 йилда бу кўрсаткич 76,1 тоннага етиб, корхонага 1 миллион 946 минг АҚШ доллари миқдорида валюта келтирди. 2000-2001 йил якунлари ҳам қувончли бўлди.

— 2002 йилнинг ўтган ярим йили натижаларидан Япония томони ҳам, биз ҳам хурсанд, — дейди корхона бошқаруви раиси Муҳаммадюсуф Матмусаев. — Маҳсулотларимиз сифати бўйича жаҳон харидорлари назарига тушдик. Яқинда маҳсулотимизга Испанияда махсус нишон берилди.

— «Атлас»да тайёр маҳсулот бўлими бошлиғи бўлган-ман, — дея суҳбатга қўшилди корхона умумий бўлими бошлиғи Абдулҳамид Раҳимов. — Собиқ иттифокда ипак чиқитларини оладиган жой йўқ эди. Ўшанда комбинатда тўпланган чиқитларни хорижга атиги 1,5-2,0 доллардан сотардик. Мана, энди уни ўзимизда қайта ишлаб, Японияга ҳар килосини 25 доллардан...

Соддагина ҳисоб-китоб қилиб кўринг: корхона ишга тушиши туфайли ипак чиқити — хомашёсининг ўзини 10-12 баробар юқори нархда сотиш имкони туғилди.

Ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Тоҳиржон Убайдуллаев билан ҳамкорликда цехларини айландик. Дастгоҳлар бир маромда, юксак унум билан ишлаб турибди. Уларни бошқараётган йигит-қизларнинг диққат-эътибори сифатли маҳсулот тайёрлашга қаратилган. Меҳнат интизоми қатъий...

— Японларда ҳам шундай, — давом этди Тоҳиржон ака. — Улар меҳнат интизоми ва иш сифатини ҳар қандай шароитда ҳам биринчи ўринга қўйишади. Қисқаси, Кунчиқар ўлка мутахассислари билан қалин ҳамкорлик бизни кўп нарсага ўргатаяпти. Президентимизнинг бу диёрга қилган навбатдаги ташрифи ҳам ҳамкорлигимизда янги-янги уфқлар очишига шубҳа йўқ...

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ШАҲРИСАБЗ 2700 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИ ОЛДИДАН





«Қадимий ва табаррук Шаҳрисабз замини ғоят улкан маскандир», — деган эди Президентимиз Ислом Каримов бу ерда Амир Темур ҳайкалининг очилиш маросимида (1996 йил, 18 октябрь) **сўзлаган нутқида. — Жаҳон маданияти бетимсол намояндаларининг зуваласи мана шу тупроқдан олинган. Хусрав Деҳлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Ғолиб каби алломаларнинг ота-боболари худди шу жойда камол топганлар... Амир Темурдай улуғ зотни камолга етказган ота макон — табаррук Кеш юртининг миллатимиз тарихида ўрни беқиёсдир...»**

Ҳа, темурийлар даври улкан маданий-маънавий меросини, ноёб тарихий ёдгорликларни кўз қорачиғидай асраб-авайлаб ва ёш авлодни буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари қилиб тарбиялаш ишига қўшган алоҳида хизматлари учун Амир Темур ордени билан мукофотланган Шаҳрисабз шаҳри айни кунларда ўзининг 2700 йиллик юбилейига катта тайёргарлик кўрмоқда. Шаҳарда кенг кўламли ободонлаштириш, таъмирлаш ва янгидан кўркам масканлар барпо этиш ишлари қизғин бораяпти. Шафқатсиз замонларда мустамлакачилар тажовузининг қурбони бўлган кўҳна тарихимизнинг азиз ва мўътабар ёдгорлиги Оқсаройда, Ҳазрати Имом масжиди, Жаҳонгир мақбараси, Чорсу ва Дорултиловат мажмуаларида ҳозир қатор бунёдкорлик тадбирлари амалга оширилмоқда.

✧✧✧

Суратларда: Дорултиловат мақбараси таъмирдан сўнг; ўз ишининг устаси — таъмирчи Бекмурод Эшназаров; Чорсу мажмуаси.

■ **Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар**



ХДП ХАБАРИ

МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАРЛАР

2002 йилнинг 23-27 июль кунлари Гулистон, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухорода Ўзбекистон ХДП МК Котибияти қарорига мувофиқ, минтақавий семинар-кенгашлар бўлиб ўтди. Уларда қатнашган ушбу вилоятлар ХДП кенгашлари котиблари ва ижроия бюро аъзолари, мазкур маъмурий ҳудудлардаги шаҳар, туман партия кенгашлари котиблари ҳамда аппаратлари масъул ходимлари, шунингдек, партиядан сайланган депутатлар диққатига Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг «Мамлакатда парламент ислоҳоти ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг долзарб вазифалари» мавзуидаги маърузаси ҳавола қилинди. Семинарлар кун тартибидаги масалалар муҳокамасида Ўзбекистон ХДП Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоят кенгашлари биринчи котиблари Д.Қулматов, М.Иномов, Р.Ҳамроқулов, Р.Ботиров, Ж.Нуруллаев, қатор шаҳар ҳамда туман кенгашлари етакчилари қатнашиб, жойларда Марказий Кенгаш IV пленуми қарорлари бажарилишининг бориши тўғрисида гапирдилар.

Тадбирда мамлакатимизда бошланган парламент ислоҳотининг демократиялашув жараёнларини чуқурлаштиришдаги муҳим аҳамияти қайд этиб ўтилди. Ўзбекистон ХДП барча тузилмалари, хусусан, унинг Олий Мажлисдаги депутатлик фракциясининг икки палатали парламентни вужудга келтириш билан боғлиқ қонунчиликни ривожлантиришда фаол иштирок этишлари лозимлиги таъкидланди. Улар, чунончи, Олий Мажлис, давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари, сайловлар, сиёсий партиялар тўғрисидаги мавжуд қонунларга етилган ўзгартиришларни киритишга ўз ҳиссаларини қўшишга даъват этилганлар. Шунингдек, ХДПдан сайланган Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари қонунларнинг мазмунмоҳиятини халққа тушунтириш билан бир қаторда, жойларда қишлоқ хўжалиги, уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш, халқ таълими ҳамда соғлиқни сақлаш, бошқа соҳаларда ислоҳотларнинг боришини таҳлил этиб, хато ва камчиликларини тугатишга кўмаклашишлари, бу йўлда зарур бўлган барча чора-тадбирларни кўрмоқлари лозим.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар партия ташкилотларидаги ҳозирги аҳволга тўхталиб, семинар-кенгашлар иштирокчилари диққатини мавжуд муаммо ва нуқсонларни бартараф этиш, ички партиявий ишларни тубдан яхшилаш, айниқса партия раҳбар кадрлари салоҳиятини янада ошириш масалалари, шунингдек, ўзга долзарб вазифаларга қаратдилар.

Навоийда ўтган семинар-кенгашда мазкур вилоят ҳокими Б.Рўзиев нутқ сўзлади, вилоят ҳокими муовини Д.Холиқулов ҳозир бўлди. Сирдарё, Жиззах, Бухоро вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари К.Оқбўтаев, О.Жавлонов, М.Бўронов тегишли вилоятлардаги тадбирларда қатнашдилар.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАЁТИДАН

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши ижроия бюросининг навбатдаги мажлисида Оққўрғон туманидаги ЎзХДП бошланғич партия ташкилотларида Марказий Кенгаш IV пленуми қарорларини бажариш бўйича вазифаларни белгилашга бағишланган умумий йиғилишларни ўтказиш амалиёти ҳақидаги масала муҳокама қилиниб, бу соҳадаги ижобий ишлар маъқулланди, камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Мазкур вилоят партия кенгаши яқинда ўтказган фаоллар йиғилиши Қарияларни қадрлаш йили ва Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 11 йиллигини кутиб олиш тадбирларида ЎзХДП ташкилотларининг иштироки тўғрисидаги масалага бағишланди. Чирчиқ, Бекобод, Оҳангарон, Янгийўл шаҳар ва Бекобод, Бўстонлиқ, Тошкент, Чиноз туман партия кенгашлари биринчи котиблари Д.Азизхўжаев, Б.Содиқов, А.Акбаров, А.Маҳмудхонов, З.Қодиров, Р.Маҳаматов, Ш.Баҳодиров, Т.Умаров ва бошқалар шу ҳақда ахборот бердилар.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши ижроия бюросининг куникеча бўлиб ўтган мажлисида жорий йилнинг иккинчи чорагида партия сафларини мустаҳкамлаш ва молиявий-хўжалик ишларини юритиш соҳасида қилинган ишларга якун ясалди. Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Касаба уюшмалари кенгаши, Ўзбекистон фахрийларини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ва Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатлари Қорақалпоғистон бўлимлари раҳбариятининг Қорақалпоғистон Республикаси шоликорлари ва ёшларига Қўшма Мурожаати матни маъқулланди. Республикада балиқчиликни ривожлантириш масалаларига жамоатчилик диққатини жалб қилиш мақсадида қабул қилинган ушбу ҳужжат мазмуни маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали халққа етказилмоқда.

ЎзХДП Андижон шаҳар кенгаши бошланғич партия ташкилотлари котибларининг ўқувини уюштирди. Унда асосий эътибор Марказий Кенгаш томонидан ўтказилган минтақавий семинар-кенгаш тавсияларини амалга ошириш масалаларига қаратилди. Ушбу масалалар Балиқчи ва Учқўрғон туман партия кенгашларида ўтказилган фаоллар йиғилишларида ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ХДП Амударё кенгаши котиби С.Холбоева тумандаги қатор қурилиш ташкилотлари ва Манғит ипйигирув-тўқув фабрикаси бошланғич партия ташкилотлари умумий йиғилишларида иштирок этиб, ЎзХДПнинг Экологик дастури ҳақида маъруза қилди. Маърузачи ушбу ҳужжатнинг мазмунмоҳиятини тушунтириш билан бирга, уни ҳаётга татбиқ этишда ҳар бир партия аъзосининг вазифаси нимадан иборат бўлмоғи керак, деган масала тўғрисида ҳам тўхталиб ўтди. Яқинда тумандаги БПТлар сони яна биттага кўпайди — Манғит деҳқон бозори ҳиссадорлик жамиятида ЎзХДП бошланғич ташкилоти тузилди.

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

ХУСУСИЙЛАШТИРИЛДИ... СЎНГРА НИМА БЎЛДИ?

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ЧОРВАЧИЛИГИНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА

...Май ойи ўрталарида вилоятда гўштнинг баҳоси кескин кўтарилди. Одатда нисбатан арзончилик кузатилиб келинаётган воҳада рўй берган бу аҳвол одамларда табиий савол туғдирди: нега бундай бўляпти?

Кўпчиликнинг назарида бунинг асосий сабаби, сўнгги пайтларда хўжаликлар ихтиёрида бўлган чорвачилик фермаларининг хусусийлаштирилишида эмиш. Айрим мутахассислар фикрича, бунга озуқа майдонларининг қисқариши ҳам ўз таъсирини кўрсатган...

Шу гаплар асослими?

Таҳлилни хусусийлаштиришдан бошласак. Беш-олти йиллар муқаддам вилоят миқёсидаги йиғинларда чорвачилик «таҳлил» қилинардида, юқоридан таклиф (буйруқ!) бериларди: «Сотинг, хусусийлаштиринг!»

Ана шу борада шошма-шошарлик билан кўп хўжаликларда «хусусийлаштириш кампанияси» ўтказилди. Яъни, чорва тажрибали, тадбиркор кишиларга эмас, кўпинча «фалончининг ўғли, яқини, тоғаси»га берилди. Шу тахлит чорвачиликка асосланган фермерлар (сохта фермерлар десак тўғрироқ бўлади) ўзларига ажратилган майдонларга шоли, буғдой экиб, «осон даромад» йўлини танлашди. Чорва маҳсулотлари — сут, гўшт етиштириш ва топшириш эса реал борликдан «қоғозлар»га кўчди.

Боғот туманидаги Искандар Дўсов номли ширкат хўжалигида икки минг бошга яқин қорамол мавжуд эди. Улар сотилди, хусусийлаштирилди.

Натижада нима бўлди? Бугун хўжаликка янги сайланган раҳбар энди чорвачиликни қайта тиклаш учун жонини жабборга бериб, югуриб юрибди. «Бузиш осон, қуриш қийин», дегани шу бўлса керак-да. Вилоятда ҳозир юздан зиёд хўжаликларда 58 чорвачилик фермалари хусусийлаштирилди.

Масаланинг бир томони, мулкнинг ўз эгаларига — ҳақиқий чорвадорларга топширилишида адолатсизликка йўл қўйилган бўлса, бир томони — озуқага бориб тақалади. Ўйлаб кўринг: ҳар бош мол учун белгиланган 0,38 сотих майдон меъёр бўлгани ҳолда, 30-40 бош қорамоли бўлган чорвачилик фермер хўжаликларига ҳамон улар ихтиёридаги ўн гектар майдонга пахта экиш мажбурий режа қилиб берилган. Бундай ҳолда фермер истаса-истамаса молларнинг бир қисмидан воз кечишга ёки «йўқ» молни қоғозда «бор» деб кўрсатишга мажбур бўлади.

Озуқа масаласига қайтамиз: ўтган йил якунларига қараганда, вилоятда 447 минг бош қорамол мавжуд бўлиб, уларнинг 407 минг боши аҳоли ҳиссасига тўғри келди. Ем-хашак майдонларига келсак, шунча молни боқиш учун аҳоли ихтиёрида бор-йўғи 4,7 минг гектар ер бор. Хўжаликлар, фермерлар ихтиёрида эса 46 минг бошдан зиёд мол бўлгани ҳолда, улар салкам 25 минг гектарда озуқа экинлари экишди. Ўртадаги фарқни қаранг!

Ёки янада аниқроқ таҳлил қиладиган бўлсак, аҳоли бир бош қорамол учун икки сотих бола-чақасини сут маҳсулотлари билан боқишга ва яна бўрдоқига мол боқиб, рўзғор кемтигини бутлашга ҳам ҳаракат қилади. Унда техника ҳам, минерал ўғит ҳам йўқ!

Хўжаликлар-чи? Ишчи кучи, техника, ўғит етарли. Ва, ҳатто ортиқча майдон ҳам бор. Боз устига, улар ёз ўрталамасдан «дағал хашак мавсуми» ҳам ўтказишади. «Долзарб мавсум!»га ўқувчилар ҳам жалб қилинади. Мактабларга, ширкат аъзолари ва ҳатто идора-ташкилотларга «фалон тонна дағал хашак тўплайсан!» — деб режа ҳам белгиланади...

Вилоятда ер ресурслари чекланганидан кўз юмиб бўлмайди. Олдинлари ана шу «омил» ҳисобга олиниб, «Қизилжар» ва «Тупроққалъа» массивлари ташкил қилинганди. Ҳатто «Тупроққалъа»да замонавий молхоналар қурилганди. Ҳозир улар деярли бўм-бўш...

Яна бир гап: аҳоли чорваси учун тўйимли омухта озуқа — ем масаласи ижобий ҳал қилинмаган. «Урганчёғ» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган омухта емни аҳолига арзон нархларда сотиш ва бунинг учун махсус дўкончалар ташкил қилиш муаммолари ечими пайсалга солиняпти. Аммо, Хонқа туманидаги катта магистрал йўл ёқасида жойлашган хонадонларда эса омухта ем савдоси (қиммат нархларда) кеча-кундуз авжида. Бу «хусусий бозор»га омухта ем қаердан олиб келинаяпти? Тадбиркор чорвадорлар нега буни корхонадан қонуний йўл билан олишолмайди?..

...Бу аҳвол биринчи марта рўй бераётгани йўқ. Яқинда гўшт қимматлашуви ва аҳолида эътирозлар пайдо бўлиши билан бу масала яна кун тартибига чиқди. Тўғри, мазкур вазият юзасидан вилоят миқёсида йиғинлар ўтказилди, соҳа мутахассислари тадбирлар ишлаб чиқишди, хўжаликларга озуқа экинлари экиш топшириқлари берилди. Аммо, аллақачон хўжаликларда беда майдонларини йўқотган айрим раҳбарлар бўшаган ерларга маккажўхори ва сенажбоп экинлар экиш ўрнига, кечагина ўрилган буғдой пайкаллари сомонидан умидвор бўлиб ўтирибдилар. Сомонда эса чорва учун етарли озуқа бирлиги камлигини ҳамма яхши билади.

Шундай бир шароитда вилоят чорвачилигининг наслчилик ишлари ҳақида гапириш ортиқчадек туюлади, лекин, барибир гапиришга тўғри келади. Чорвачилик мураккаб соҳа бўлиб, у узлуксиз изланиш ва катта меҳнатни талаб қилади. Бунинг учун ҳозир вилоятда жамоат секторидаги қорамолчилик фермаларининг мулк қийматини юз фоиз тўлаган шахсларга танлов асосида сотиш — хусусийлаштириш режалари кўзланган.

Қаранг, гап яна «сотиш» ҳақида кетмоқда. Халқимизда «сутдан оғзи куйган, қатиқни пуфлаб ичади» деган гап бор. Айнан шу сотиш орқали-ку чорва талон-торож қилинганди. Фермаларнинг бинолари ҳам савдога қўйилганди. Уларни ҳеч ким олмагандан сўнг, айрим янги бинолар ҳам бузиб сотилди.

Савол туғилади: бу галги «сотиш» вилоят чорвасини янада оғир аҳволга солиб қўймасмикин? Чорва чорвадорларга сотилса хўп-хўп, аммо оддий чорвадорда бу маблағ борми? Қийин савол. Аммо ечими бор савол. Фермер хўжаликлари қўллаб-қувватланса, банк ва жойлардаги раҳбарлар ёрдамини аямаса, оддий чорвадор қаддини тиклаб олади. Ўз чорвасини авайлаб-асрайди, кўпайтиради.

Бу гапларни ўз билганимча, ақлим етганича айтаяпман. Соҳа мутахассислари анча асосли, анча фойдали, тўғри йўлни топа олишларига ишончим комил.

■ **Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Ислом КАРИМОВ:

Нефть, газ ва конденсат заҳиралари ўз талабларимизни тўла таъминлабгина қолмай, энергия манбаларини четга чиқариш имконини ҳам беради. Бугун бу — сармоя сарфлашнинг энг фойдали соҳаларидан биридир.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра Ўзбекистон ер остида жуда катта нефть ва газ қатламлари бор. Республика ҳудудининг салкам 60 фоизи уларни қазиб олиш учун истиқболли ҳудудлар ҳисобланади.

Бешта асосий нефть-газ минтақасини: Уст-юрт, Бухоро-Хива, Жануби-Ғарбий Ҳисор, Сурхондарё, Фарғона минтақаларини ажратиб кўрсатиш мумкин...

Нефть ва газ ресурсларининг заҳиралари қиймати бир триллион АҚШ долларидан ошиб кетади.

ГАЗ — МАМЛАКАТ НУР ҚАЛЪАСИ, ИСТИҚЛОЛ МАШЪАЛАСИ

Бундан салкам ярим аср муқаддам — 1953 йил Қизилқум (Стелан тепа)да биринчи газ кони — улкан Газли газ манбаси очилганлиги жаҳон бўйлаб қиёссиз шовшув бўлди. Бироқ, мустабидлик тузуми — собиқ иттифоқ унинг «қулоқ»лари мурватини ўзга ўлкаларга буриб қўйди... «Дўстлик» деган ниқоб билан улкан қувурлар тўлғанган илондек буралиб-суралиб аввал Урал, кейин Россия шаҳарлари, сўнгра «иттифоқ» чегарасидан ҳатлаб, Ғарбий Европадаги социалистик мамлакатлар сари ҳам ҳаракатга келди... Ўзбекистон халқи ўз ёнидаги ўз оловига ўзи ботиниб исинолмади. Ўчоғига таппи-тезак қалаб, тутунидан кўзлари ачишганча, бир амаллаб кун кўраверди. Эсингизда бўлса, бу ҳақда «ўз ўтини ўзгага узатиб, ўзи тезак ёққан, ўзбекгим» деганга ўхшаш анчайин киноямуз қўшиқлар ҳам тўқилганди ўшанда...

Йиллар ўтди... Мустақилликка эришдик. Кўксига истиқлол эпкини тега бошлаган Ўзбекистон дастлабки кунларданоқ ҳар жабҳада бўлгани сингари, газ манбалари мурватларини иқтисодий-ижтимоий ишлаб чиқариш мажмуалари, аҳоли манзилгоҳлари, мактаблар, болалар боғчалари, соғлиқни сақлаш муассасалари, ҳатто олис-олис қишлоқлар ва овуллардаги хонадонлар томонга ҳам буриб қўйишга киришди. Бунинг учун республикада углеводород хомашёсининг янги манбаларини қидириш, топиш ва уларни жалб қилиш — нафақат иқтисодий, балки сиёсий аҳамият ҳам касб эта борди. Зеро, бу соҳадаги стратегик дастурнинг ишлаб чиқилишига айни шу ўта аҳамият талаб-эҳтиёж сабаб бўлди. Пировардида, мамлакатимизда ёнилғи-энергетика комплексини ривожлантириш иқтисодиётимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолди.

Мустақиллик йиллари мамлакатимиз газ саноатида рўй берган ўсиш маълумотларига — **«Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компаниясининг** рангли-безакли журнали — «Ўзбекистон нефть ва газ саноати» саҳифаларида битилган мана бу сатрларга кўз ташланг:

«Ўзбекистон Республикаси ривожланган ва етарли қувватга эга газ қувурлари тармоғига эга. Улар ёрдамида табиий газни нафақат республика истеъмолчиларига, балки экспортга етказиб бериш имконияти мавжуд.

Республикадаги магистраль газ қувурлари тармоғининг умумий узунлиги бир йўналишда 12,66 минг километрни ташкил этади. Магистраль газ тармоқлари асосан ишчи босими 5,5 Мпа бўлган диаметри 1000, 800, 700 мм.ли қувурлардан иборат. Ишчи босими 7,5 Мпа бўлган диаметри 1200 ва 1400 мм. қувурлар Ўрта Осиё-Марказ газ тармоғи таркибига киради. Газ тармоғи тизимининг фаолияти 25 тадан зиёд компрессор шаҳобчалари, турли типдаги 300 та агрегатлар билан жиҳозланган 43 та цехлар орқали таъминланади.

Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбидан газни транзит асосида етказиб беришга мўлжаланган Ўрта Осиё — Марказ ва Бухоро — Урал газ тармоғи ўтган.

Ўзбекистон газ узатиш тизимининг ўзига хос хусусияти, у давлатлараро аҳамиятга эга. Қўшни давлатлар Қозоғистон (жанубий қисми), Қирғизистон, Тожикистон ўзбек гази билан таъминланади, бундан ташқари, Туркманистон ўз газини хорижга экспорт қилиш учун Ўзбекистоннинг газ узатиш тизимидан фойдаланади.

Ўзбекистон ва унинг газ узатиш тизимига ёндош бошқа қўшни давлатлар бўйича газ истеъмолининг истиқболли ҳажмлари таҳлили шуни кўрсатадики, хомашё базаси имкониятларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон газ узатиш тизими орқали товар газ узатиш ҳажми 2010 йилга қадар 70 миллиард куб метрга етади.»

Эътибор беринг, яна 7-8 йил ичида мамлакат газ узатиш тизимида товар газ узатиш ҳажми 70 миллиард куб метрга етади деяпмиз: 70 миллиард куб метр? Тасаввур этиб кўринг, бу — республикамиз газ саноати мажмуалари ва заҳиралари нечоғли улкан салоҳиятга эга эканлигини ифодаловчи дангал кўрсаткич! *(Диаграммага қаранг)*

Ҳозирнинг ўзидаёқ табиий газимиз қўшни давлатлар — Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистон, шунингдек, Украинага экспорт қилинмоқда. Шу билан бирга «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси Туркманистон табиий газини транзит орқали экспорт қилиш бўйича хизмат кўрсатади. Нефть маҳсулотлари ва суюлтирилган газ Россия Федерацияси, Украина, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон ва шунингдек, қатор узоқ хориж давлатларига экспорт қилинмоқда.

«Кейинги йилларда, — деган эди Юртбошимиз ҳали 1996 йилдаёқ (28 июнь, Денвер шаҳри, Колорадо штати, АҚШ) сўзлаган нутқларидан бирида, — **республиканинг энергетика мустақиллиги анча мустаҳкамланди. Республика қудратли ривожланган энергетика базасига эга. Ўз талабларини ўз энергия манбалари билан, аввало, электр қуввати, табиий газ ва нефть билан тўла таъминламоқда. Ўзбекистон қўшни мамлакатларга энергия манбалари экспорт қилувчи мамлакатдир.»**

Хотирангизда бўлса, ўшанда давлатимиз раҳбари нафақат америкалик, балки бутун дунё ишбилармонларига ишонч билан қараб, уларни биргаликда ишлашга, тадбиркорлик қилишга даъват этди ва бизнинг кафолатларимизни қуйидагича очиқ баён қилди: **«Барча кафолатларни берамиз. Бизнинг кафолатларимиз — бизнинг қонунларимиздир. Бизнинг кафолатларимиз — биз ўз зиммамизга олаётган мажбуриятлардир, биз эса ҳозиргача ҳеч кимга панд берганимиз йўқ, бизнинг муддати ўтган бирор доллар қарзимиз йўқ. Бизнинг кафолатларимиз сизлар билан ҳамкорлик қилиш истаги, стратегик, истиқболли муносабатларга эга бўлиш истагидир. Бизнинг кафолатларимиз — сизларнинг ҳузурингизда мен ўз зиммамга олаётган мажбуриятлардир.**

... Мен сизларни Ўзбекистонга таклиф қиламан. Ўзбекистоннинг афзалликлари ва жозибасини ўз кўзингиз билан кўриб, ишонч ҳосил қиласиз...»

Дарвоқе, Ўзбекистонга, Йўлбошчимизга ўшанда бутун дунё ишонди. Мамлакатимизда сармоялаш имкониятлари учун янада кенг йўл очилди. Хорижий компанияларнинг фаол ҳамкорлиги бошланди. Айниқса, республика нефть-газ тармоғига хорижий инвестиция оқимлари бамисоли дарёга қуйилаётган ирмоқлардек қуйила бошлади.

1997 йил Кўкдумалоқ конида «сайклинг-жараён» усулини қўллаш билан газ конденсатини максимал даражада қазиб олинишини таъминлаш имконини берувчи «Дрессер-Ренд» (АҚШ) фирмасининг компрессор шаҳобчаси қурилганлиги ва фойдаланишга топширилганлиги бунга ёрқин мисол бўла олади. Кўкдумалоқ компрессор шаҳобчасининг қурилиши Ўзбекистон нефть-газ тармоғининг ривожи учун муҳим қадам бўлди ва бу лойиҳани Американинг «Келлогг» компанияси билан биргаликда амалга оширилиши хорижий сармояларни жалб этиш бўйича ишнинг бошланиши эди.

Қишки даврда аҳолини газ билан таъминлашни яхшилаш ва мавжуд газ транспорт тармоқларидан оқилона фойдаланиш учун Американинг «BSI Индастриез» компанияси билан бирга «Дрессер-Ренд» (АҚШ) компаниясининг компрессор агрегатлари қўлланган ҳолда 1999 йилда Хўжаобод ер ости газ сақлаш омборхонаси фойдаланишга топширилди.

Кўкдумалоқ ва Хўжаобод лойиҳалари бўйича бажарилган ишлар натижалари «Дрессер-Ренд» компаниясини Шўртон конида компрессор шаҳобчаси қурилиши бўйича янги лойиҳанинг ускуналарини етказиб берувчи сифатида танлаш учун асос бўлиб хизмат қилди. Ушбу лойиҳа «Бейтман инжиниринг» (Исроил) компанияси билан биргаликда амалга оширилди, оширилмоқда.

2001 йилда 125 минг тонна полиэтилен ва 130 минг тонна суюлтирилган углеводород гази ишлаб чиқариладиган «Шўртангазкимё» мажмуи ҳам фойдаланишга топширилди. Лойиҳа «АББ Луммус Глобал» (АҚШ), «Мицуй», «Тойо инжиниринг», «Нишо Иваи» (Япония) ва «АББ Соими» (Италия) консорциуми томонидан амалга оширилди. Бу лойиҳанинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасига ўзининг газ-кимё саноатини ривожлантириш ва полимер материалларидан турли маҳсулотлар тайёрлашга асосланган республика иқтисодиёти янги тармоқларининг ривожи учун йўл очиб берди. Мазкур лойиҳа сармоялаш ҳажми бўйича Марказий Осиёда энг йирик лойиҳа сифатида эътироф этилган.

Ҳа, газимиз, конларимиз, заҳираларимиз кўп, залворли, салмоқли. Хўш, улардан олинаётган хомашёларнинг сифати-чи? Ёхуд маҳсулдорлиги-чи? Газимиз таркибида — этан, пропан, бутан, полимер материалларининг кўплаб хиллари (полиэтилен, поливинил хлорид ва ҳоказо)ни олиш учун етарли компонентлар бор. Айниқса, жануби-ғарбий Ҳисор ва Бухоро — Хива минтақаларидаги Шўртан, Муборак гуруҳи конлари бу имкониятларга сероб.

Битигимиз шу ерга етганда таҳририятимизга республикамиз газ саноатининг тараққиёт одимлари ҳақида каттагина мақола билан (уни газетамизнинг келгуси сонларидан бирида ёритамиз) «Муборакнефтгаз» корхонаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Нуриддин Зайниев келиб қолди.

— Нефть ва газ мустақиллигига Қашқадарё заминида асос қўйилган, десам муболаға бўлмас, — гап бошлади у. — Бинобарин, Муборак газни қайта ишлаш заводининг қуввати айни мустақиллик йилларида йилига 30 миллиард куб метр газни қайта ишлашга етди. Республикамизни тозаланган газга бўлган эҳтиёжининг 70 фоизини шу корхона таъминлайди. Чўл бағрида Кўкдумалоқ конининг ўзлаштирилиши ва ўта ноёб ускуна — ер остига 500 атмосфера босимида бир кеча-кундузда 20 миллион куб метр газни ҳайдаб берадиган компрессор станциясининг ишга туширилиши нефть-газ маҳсулотлари мустақиллигини таъминлашда инқилобий ўзгариш бўлди, десак янглишмаймиз. Чунки, шу йиллар ичида бир кеча-кундузда 30 миллион куб метр газ, 600 тонна газ конденсати олинаётган йирик Алан, ўртача ва кичик — Янги Алан, Шимолий Помук, Жанубий Кемачи конлари ишга туширилди.

Ҳозирги кунда Буюк Британиянинг «Беккер Хуюст» компанияси Шимолий Ўртабулоқ конида эски кудуқларни янги технология асосида таъмирлаш ишларини амалга оширмоқда. Хитойликлар эса Кўкдумалоқ конида дунё амалиётида янгилик — қудуқни ётиқ усулда қазиш ишларини нихоясига етказишмоқда. Бир қанча хорижий компаниялар Жанубий Ҳавза, Умид, Жанубий Кемачи, Шимолий Нишон конларида ҳамкорликда ишлар олиб боришмоқдаки, буларнинг ҳаммаси келгусида уларда бир кеча-кундузда 10200 тонна нефть, 6500 тонна газ конденсати ва 105 миллион куб метр газ олиш имконини беради.

Бир нарсани алоҳида таъкидлашим жоиз: эришилган ва эришилаётган ютуқларимизнинг асосан уч илдизи, уч омили бор. Биринчи илдиз, бу — Президентимиз Ислом Каримов 1987-89 йилларда Қашқадарёда ишлаган пайтлардаёқ Муборак чўллари келажагини кўра билганлиги. У киши ўша пайтлардаёқ бу ернинг барча конларида бўлиб, уларнинг имкониятлари билан атрофлича танишган ва қимматли маслаҳатлар берганди. Иккинчи илдиз — Юртбошимиз маҳаллий, миллий кадрлар тайёрлаш ишларини қаттиқ назоратда ушлаганлиги. Ва ниҳоят учинчиси — одамларга яхши шароитлар яратиб бериш ҳақида доимий ғамхўрлик қилганлиги. Масалан, ҳозир вилоятимиз нефть ва газ тармоқларида ўша даврда тайёрланган, ҳозир 35-40 ёшлар атрофидаги мутахассислар, раҳбар кадрлар ишламоқдалар.

Корхонамизда жорий йилнинг ўтган биринчи ярмида газ қазиб олиш 103 фоизга ошди ёки 2001 йилнинг шу даврига нисбатан 886 миллион куб метр кўп газ тайёрланди. Шунингдек, 28 минг тонна нефть кўп қазиб олинди. Жамоамизда Ўзбекистон Қаҳрамони Бўрон Рўзиев, мутахассислар — Ҳасан Ашуров, Илаш Қулмуродов, Алишер Мустафоев, Иван Келеш, Юрий Курильский сингари 50 дан ортиқ миллат вакиллари бир оила фарзандларидек меҳнат қилмоқдалар...

Бундан етти-саккиз йил муқаддам Тошкентнинг Охунбобоев кўчаси 21-уйида жойлашган ҳозирги **«Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компаниясидан** хизмат вазифасига кўра бир маълумот (мақола учун) олишимизга тўғри келувди: **«Ҳозир,** — дейилган эди ўша маълумотда, — **Ўзбекистоннинг давлатлараро магистраль газ қувурлари, — Туркманистон — Ўзбекистон, Қозоғистон — Хитой ва Ўзбекистон... газ қувурлари қурилишида иштирок этиш масалалари ишлаб чиқилмоқда. Бу лойиҳаларнинг амалга оширилиши республика нефть-газ тармоғининг экспорт имкониятини 8 баробардан зиёдроқ кўпайтириш имконини беради...»**

Саккиз баравар-а! Бу — республикада нефть-газ тармоғининг жадал ривожланиши ва тармоқ мустақиллигини таъминлаш йўлида олиб борилиши ҳамда эришилиши шарт бўлган стратегик вазифаларимиз кўрсаткичларидан бири эди.

Босқичма-босқич амалга оширилган ва оширилаётган бу ишларнинг бир қисми бугунги кунда адоғига етди, бир қисми чет эллик ҳамкор сармоядорлар иштирокида давом этмоқда. Хусусан, Муборак газни қайта ишлаш заводи ва Шўртан корхонасининг газни қайта ишлаш қурилмаларида суюлтирилган углеводород гази ишлаб чиқарилишини кўпайтириш юзасидан сармоялаш лойиҳалари бўйича хорижий компаниялар билан бирга ишлар олиб борилмоқда ва бу республика халқ хўжалигини суюлтирилган газ билан таъминлаш ва уни йилига 400 тоннагача хорижга экспорт қилиш имконини беради.

Зеварда, Газли конларида янги компрессор шаҳобчалари қурилиши лойиҳаларини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам ўз кўлами ва суръати билан қалбингизга қувонч ва шукуҳ солиши табиий.

Буларнинг барини ўйлар эканмиз, Президентимизнинг яқинда — 18 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига бағишланган мажлиси маърузасидаги қуйидаги жумлаларга диққатингизни тортмоқчимиз: **«Инвестицияларнинг катта қисми нефть-газ... саноатига тўғри келмоқда».**

Мана, республикамиз газ саноати ривожига бўлган туртки қаерда!? Шу ўринда эътиборингизни Юртбошимизнинг 1996 йил 25 июнда Вашингтонда — АҚШда Ўзбекистон Республикаси элчихонаси биносининг очилиши ва элчихона номидан ўтказилган қабул маросимида сўзлаган нутқининг мана бу сатрларига қаратишни ҳам лозим кўрдик.

«Ўзбекистон иқтисодий, нефть-газ ва кон қазиб чиқариш имкониятининг тақдим этилишидан кўзланган мақсад ниҳоятда равшан: биз бундан буёнги ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизни белгилаб, аниқлаб, унинг манзарасини тўлақонли қилиб олишимиз керак... Ҳамкорлигимизнинг стратегик йўналишларини белгилаб олишимиз лозим».

Белгилаб олинган ана шу стратегик йўналишлар якунини, мана, бугун яққол кўриб турибмиз... Тандир ва ўчоқларимизда бурқситиб таппи-тезак ёққан кунларимиз қайда-ю, газ ишлаб чиқариш соҳасида Ўзбекистон тасдиқланган заҳиралар ва истиқболли конлар бўйича МДҲ мамлакатларидагина эмас, балки бутун дунёда ҳам етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турган қайда!?

Кечаги кун билан бугунни қиёсласак, эртанги кун ҳақида ўйласак, қалбимиз ҳаяжон ва фахр-ифтихорга тўлиб тошади.

■ **Номоз САЪДУЛЛАЕВ**

(Саҳифа «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компаниясининг «Ўзбекистон нефть ва газ саноати» журнали билан ҳамкорликда тайёрланди.)

РЕСПУБЛИКА ГАЗ САНОАТИ РИВОЖИ РАҚАМЛАР КЎЗГУСИДА:

- **Мамлакатда ёнилғи-энергетика мажмуасини жадал суръатлар билан ривожлантириш бундан буён ҳам иқтисодиётнинг энг устувор йўналиши сифатида қолади. Бу — Ўзбекистоннинг ёнилғи мустақиллигини мустаҳкамлаш ва унинг халқаро иқтисодиётда интеграциялашувини жадаллаштириш имконини беради.**
- **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва республика ҳукуматининг қарорига мувофиқ 1992 йилда «Ўзбекнефтгаз» концерни тузилди. Кейинчалик у республика нефть ва газ саноати Миллий корпорациясига айлантирилди.**
- **Республика Президентининг Фармони ва республика Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан 1998 йилдан Миллий корпорация «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси деб юритила бошлади.**
- **Республикада алоҳида йирик газ конлари давлат мониторинги асосида амалга оширилмоқда. Бундай лойиҳаларни танлашда устунлик юқори технологияли газ ишлаб чиқариш объектларига бериляпти.**
- **1990 йилда 2811 минг тонна газ конденсати қазиб чиқарилган бўлса, 1999 йилга келиб бу рақам 3480 минг тоннага етди. Ёки 90-йилга нисбатан 2,88 баробар кўп газ конденсати тайёрланди.**
- **Табиий газ бўйича 134 та кон заҳиралари разведка қилинган. Уларнинг 53 таси ишлашга тайёрланмоқда. Саноат ўзлаштирилишига 8 та кон шай қилиб қўйилган.**
- **2000 йилда 56,4 миллиард куб метр газ олинди. Бу — 1990 йилдагидан 1,33 баробар (40,7 миллиард куб метр) кўп газ дегани.**
- **Ҳозирги кунда мамлакатимизга жалб қилинаётган чет эл инвестицияларининг катта қисми нефть ва газ саноатига тўғри келмоқда.**
- **Ишлаб чиқарилган суюлтирилган газ миқдори 2000-2001 йилларда 84-90 минг тоннадан ташкил этди. Бу автотранспорт паркининг салмоқли (қарийб 1/20, 1/30) қисмини бензин ўрнига суюлтирилган газдан фойдаланишга ўтказиш имконини берди.**

«МАҲАЛЛАЛАР МАРКАЗИ»

Самарқандда вилоят ва шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан Темирйўл туманида барча қулайликларга эга бўлган «Маҳаллалар маркази» фойдаланишга топширилди.

Фойдаланилмаётган собиқ маиший хизмат уйи ҳашар ёрдамида янгича қиёфадаги бинога айланди. Ўзига хос меъморий услубга эга бўлган марказда «Маҳалла» ва «Нуроний», «Соғлом авлод учун» жамғармаларининг туман бўлимлари, Қизил яримой жамияти ва бошқа жамоат ташкилотлари фаолият кўрсата бошлади.

«Маҳалла» жамғармасига шаҳар ҳокимлиги томонидан компьютер, «Нуроний»га эса вилоят ҳокимлигидан «Дамас» автомашинаси совға қилинди. Қолаверса, бу ташкилотларга тегишли барча хоналар янгича жиҳозланди, телефон аппаратлари билан таъминланди.

77 маҳаллани умумлаштирувчи мазкур даргоҳда, шунингдек, Маънавият ва маърифат маркази, тўй-маъракалар ўтказиладиган 300 ўринли тамаддихона, гўзаллик салони, шунингдек, кийимларни кимёвий тозалаш цехи ҳам иш бошлади.

■ **Абдуғани МАМАСОДИҚОВ**

ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ФУТБОЛ ВА САНЪАТ БАЙРАМИ

Муҳаммаджон Усмонов Тошкент туманидаги «Тошкент» ширкат хўжалигини бошқаради. Ўзига хос жиҳатларидан бири — ашаддий футбол ишқибози. Нафақат ишқибоз, балки, барчани спорт билан шуғулланишга ундайди.

Тўрт йил муқаддам Муҳаммаджон Усмоновнинг ташаббуси билан хўжаликдаги қаровсиз ерда футбол майдони барпо этилди. Айрим олий лига жамоалари вакилларининг ҳаваси келади бу ерга. Ҳозирда ширкат хўжалигининг «Тошкент» футбол жамоаси вилоят биринчилигида туман шарафини муносиб ҳимоя қилиб, пешқадамлар қаторидан жой олиб турганлиги ҳам тасодиф эмас. Гарчи, хўжалик футболчилари иккинчи лигада тўп сурса-да, ўйингоҳ доимо мухлислар билан тўлиб-тошади.

— Ўйингоҳ қошидаги тўгаракларда 100 нафардан зиёд бола футбол сирларини ўрганмоқда, — дейди ширкат хўжалиги раиси Муҳаммаджон Усмонов. — «Тошкент» футбол жамоасига тажрибали мураббий Сайфи Эрматов бошчилик қиляпти. Улар бу йил мамлакат биринчи лигасини кўзлашмоқда. Ҳозирча вакилларимиз ўнта учрашувдан 28 очко жамғариб, таниқли мутахассислар Биродар Абдураимов, Виктор Макаровлар мураббийлик қилаётган «Ўзбекистон»(Пскент тумани) жамоасидан кейин 2-ўринда боришмоқда.

«Тошкент»ликлар ҳар бир ўйинни шоу даражасида ўтказишга одатланишган. Улар сўнгги турни мавсум пешқадами — «Ўзбекистон» футболчиларига қарши ўтказишди. Эслатиб ўтамиз, пскентликлар таркибида собиқ пахтакорчилар Улуғбек Рўзимов, Нўъмон Нурматов, Жасур Абдураимов, Ёркин Назаров сингари спортчилар тўп суришади. Айнан шу ўйиндан аввал «Тошкент» ширкат хўжалиги бошқаруви вилоят Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси билан ҳамкорликда ўзбек футболининг 90 йиллигига бағишланган футбол ҳафталигининг финал қисмини ташкилаштиришди. Катта футбол ва санъат байрамига айланиб кетган бу тадбирда юртимиз спорт фахрийлари, таниқли футбол юлдузлари, мутасаддилар, эл суйган санъаткорлар, журналистлар қатнашдилар.

Айниқса, футбол ҳафталиги финалидаги «Пахтакор» ва пойтахт вилояти фахрийлар терма жамоалари учрашуви йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Ажойиб тадбир баҳона ишқибозлар турли йилларда «Пахтакор» шарафини ҳимоя қилган Н.Любарцев, В.Суюнов, М.Умархўжаев, Ш.Яфаров, Р.Мўминов, Н.Нортожиевларнинг ўйинидан завқ олишди.

Учрашув тугагач, тадбирнинг ҳомий ва ташкилотчилари фахрийларга совға-салом улашишди. Шу куни 1979 йилнинг 11 августида авиаҳалокатга учраган пахтакорчилар ҳам хотирланди. Улар таркибида эса пойтахт вилоятидан Михаил Ан, Владимир Фёдоров, Олим Ашировлар бор эди. Хўжалик раиси Муҳаммаджон Усмонов бу футболчиларнинг оила аъзоларига қимматбаҳо совғалар тайёрланганлигини билдирди ва уни тадбирда қатнашган марҳум Владимир Фёдоровнинг отаси Иван Васильевичга топширди.

Сўнгра, футбол-шоу ҳақиқий яшил майдон курашига уланиб кетди. «Тошкент» — «Ўзбекистон» жамоалари учрашувида дуранг ҳисоби қайд этилди — 1:1.

■ **Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЮНОН-РУМ КУРАШИ

ОЛДИНДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ВА ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ



30-31 июль кунлари пойтахтимиздаги МҲСК спорт мажмуида юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Баҳсларда тўқсон нафарга яқин курашчи етти вазн тоифасида гиламга чиқдилар.

Мусобақада жароҳати туфайли Баҳодир Қурбонов, Алексей Чеглаков, Шермуҳаммад Қўзиев сингари таниқли спортчилар қатнашмаган бўлишсада, беллашувлар қизғин кечди. Айниқса, 60 кг. вазн тоифасида жаҳон чемпиони Дилшод Ориповнинг финалда рақибига имкониятни бой бериб қўйганлиги кутилмаган ҳол бўлди. Дмитрий Коршунов (55 кг.), Аслиддин Худойбердиев (60 кг.), Зафар Ғофуров (66 кг.), Жаҳонгир Турдиев (74 кг.), Руслан Акчурин (84 кг.), Фарҳод Умаров (96 кг.), Рудольф Кобозев (120 кг.)лар мусобақа чемпиони деб топилдилар.



— Мазкур мусобақа сентябрь ойида Москвада ўтадиган жаҳон чемпионатига борадиган курашчилар номини аниқлаб олишимизга катта ёрдам берди, — дейди мамлакат терма жамоаси бош мураббийи Комил Фатхуллин. — Бундан ташқари, август ойида Жанубий Кореяда йирик халқаро турнирда иштирок этишни режалаштирганмиз. Жамоамизнинг етакчи спортчиларидан айримларининг жароҳат олганлиги туфайли мамлакат чемпионатини ўтказиб юборганликлари бизни бироз ташвишлантирди. Чунки, юқоридаги мусобақалардан бошқа яна Осиё ўйинлари, октябрда Тошкентда ўтказиладиган Гран-при туркумидаги «Мустақиллик кубоги» халқаро турнирларида ҳам иштирок этишимиз зарур. Курашчиларимизнинг бу баҳсларда қандай натижани қўлга киритишлари эса бугунги тайёргарлигимизга боғлиқ. Ўйлайманки, шогирдларим ушбу мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладилар.

■ **Шаҳноза ЭРГАШЕВА**

✧✧✧

Суратларда: мусобақадан лавҳалар.

■ **Абдуғани ЖУМА олган суратлар.**

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Ilhom KAROMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 671

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.30
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН ВА ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

2002 йил 30 август ва 6,13,20,27 сентябрь кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига биринчи навбатда эркин муомаладаги валютага сотиладиган қуйидаги объектлар қўйилади:

1. Жиззах вилояти, Ғаллаорол туманида жойлашган 2-сонли контейнер типидаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (2-КАЗС). **Бошланғич баҳоси — 15 925 АҚШ доллари.**

2. Жиззах шаҳри, Тўқимачилар кўчаси, 7-А манзилида жойлашган 3-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (3-АЗС). **Бошланғич баҳоси — 22 588 АҚШ доллари.**

3. Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, Чорхин шаҳарчасида жойлашган «Биомед» масъулияти чекланган жамияти Низом жамғармасининг 65 фоизлик давлат улуши. **Бошланғич баҳоси —11 093 200 сўм.**

Шунингдек, 2002 йил 14,21 ва 28 август кунлари соат 11.30 да республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган танлов савдоларига қуйидаги объект қўйилади:

Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани , М.Ашрафий 1-тор кўчасида жойлашган, «Тошкент шаҳар дон қабул қилиш» ОАЖ балансидаги 9-сонли болалар боғчаси (кир ювиш хонаси ва ёзги ошхона биноси билан). Умумий майдони 459,3 кв.м. **Бошланғич баҳоси—6 485 200 сўм.**

Танлов савдосидан болалар боғчасини сотиб олишнинг шартлари:

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш;
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш;
3. Боғча биноси ва иншоотларини қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш;
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш;
5. Боғча биноси ва иншоотларини таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар хажми;
6. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш;
7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми;
8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар;
9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш;
10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Тақдим этилган муҳрланган конвертлардаги бизнес-режалар 2002 йил 14 августда (шу куни харидорлардан етарли даражадаги аризалар тушмаган тақдирда) 21 ва 28 августда республика Биржалар маркази биносининг 3-қаватидаги мажлислар залида очилади.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг!

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдолари бўйича савдо бошланишидан 1 соат олдин, танлов савдолари бўйича 3 кун олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиздан республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишларини сўраймиз.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика кўчмас мулк биржаси. Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Факс: 136-06-17. www. uzrkmb. com

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ»

давлат акциядорлик компаниясининг 2002 йил 29 июлдаги 145-сонли буйруғига кўра 2002 йилнинг 16 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикасидаги почта алоқаси айрим хизмат турлари учун янги тарифларни белгилади.

Халқаро ёзма хат-хабарлар хизматлари учун тарифлар 1,34 марта оширилади.

Диққат: Почта алоқаси тарифлари ва хизматларининг тўлиқ рўйхати барча бўлимларда ва почта алоқаси корхоналарида мавжуд. Қўшимча хизмат учун тарифлар эса жойлардаги алоқа корхоналари томонидан ўрнатилади.

ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ВЕРИМ ПЛАСТИК

ЯНГИЛИК!

ИССИҚХОНА ПЛЁНКАСИ

(ТУРКИЯ МАҲСУЛОТИ)

Иссиқхоналар учун ишлаб чиқарилаётган бу маҳсулотимиздан 3 йил фойдаланилади. Бу плёнка тўрламайди, зарарли қўёш нурлари ва микробларни ўтказмайди.

Эни: 6, 7, 8, 9, 10 метр. Бўйи: 70, 80, 90, 100 метр.

Шунингдек, ҳар хил ҳажмдаги буюртмалар қабул қиламиз. Дилерларни ҳамкорликка таклиф этамиз.

Тел/факс: 90-43-09, 18.00дан 55-92-71

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги «SALQIN MERKURIY ICHIMLIGI» хусусий фирмаси.
Код бўйича ОКПО 16112741

ТУГАТИЛАДИ

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Юнусобод тумани, Қорақамиш кўчаси, 4.
Телефон: 21-30-69

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги «TOLEDO» масъулияти чекланган жамияти.
Код бўйича ОКПО 18149332

ТУГАТИЛАДИ

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади.
Юнусобод тумани, Қорақамиш кўчаси, 4.
Телефон: 21-04-75

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

2002 йил 26 июль куни ўтказилган танлов савдоларида Чилонзор тумани халқ таълими бўлимига қарашли, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, Чилонзор даҳаси, 8-мавзеда жойлашган 310-сонли болалар боғчаси 8 000 000 сўмга, 72 000 000 сўм инвестиция қилиш мажбурияти билан ҳамда Юнусобод тумани халқ таълими бўлимига қарашли, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Юнусобод даҳаси, 19-мавзеда жойлашган 218-сонли болалар боғчаси 17 000 000 сўмга, 60 139 500 сўм инвестиция қилиш мажбурияти билан сотилганлигини маълум қилади.

Шунингдек, ўтказилган танлов савдоларига қўйилиб сотилмаган Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлимига қарашли, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Гулбаданбегим кўчаси, 50-уйда жойлашган, 50-сон болалар боғчаси (мол-мулки билан) қайтадан танлов савдоларига қўйилади. Бинонинг бошланғич нархи — 19 805 600 сўм ёки 28 482 АҚШ доллари.

Танлов савдолари 2002 йил 9, 16, 23 август кунлари ўтказилади.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш.
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.
3. Боғча биносини ва иншоотларни қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.
5. Боғча биноси ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.
6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.
7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.
8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.
9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Савдолар 11.00 да бошланади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй, Маълумот учун телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

ТАШКИЛОТ

Машина ва асбоб-ускуналар ҳамда бошқа асосий воситаларни **СОТАДИ**

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а. 402-хона. Амир Темур кўчаси, 24. 406-хона.

Тошкент Давлат университети томонидан Тўхтасинова Хадича Алишеровна номига 1976 йил 3 июлда берилган № 195232 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси «Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш» кафедрасининг мудири, доцент Абдулҳаким Темирхўжаевич Салоҳиддиновга отаси **Темирхўжа САЛОҲИДДИНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси, профессор-ўқитувчилари институт «Қишлоқ хўжалиги қурилиши» кафедрасининг ўқитувчиси Мазлума Раҳимовна Зоҳидовага турмуш ўртоғи **Комилжон ЗОҲИДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради